

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIYOT VA MOLIYA
VAZIRLIGI HUZURIDAGI BOJXONA QO‘MITASI**

BOJXONA INSTITUTI



**BOJXONA TIZIMI TARAQQIYOTI OLDIDAGI
YANGI CHAQIRIQLAR, USTIVOR
YO‘NALISHLAR VA TENDENSIYALAR: DUNYO
NIGOHIDA**

OKTABR

xalqaro ilmiy-amaliy konferensiyasi
materiallari to‘plami

Toshkent – 2024

БАНАН - МАҲАЛЛИЙ МЕВАЛАРГА РАҚОБАТЧИМИ?

А.Ш.Шадманкулов – Алфраганус университети доценти, и.ф.н.;

*А.А.Шадманкулов – Божхона қўмитасининг Божхона институти
Божхона тартибга солиниши ва божхона тўловлари кафедраси бошлиғи,
и.ф.н., доцент, б/х. подполковниги.*

Аннотация: мақолада мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш жараёнида импорт қилинган банан товарининг ўрни таҳлил қилинган ҳамда маҳаллий етиштирилган меваларга нисбатан рақобатчи товар эмаслиги ва уларнинг тўлдирувчиси эканлиги асослаб берилган. Шу билан бирга, бананнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг импорти жараёнида божхонада яратилган имкониятлар ёритилган.

Калит сўзлар. Банан, маҳаллий мевалар, озиқ-овқат хавфсизлиги, импорт, рақобат, таннарх, божхона, импорт божи, соддалаштирилган божхона назорати, энергетик қувват.

БАНАН - ЯВЛЯЕТСЯ ЛИ КОНКУРЕНТОМ ДЛЯ МЕСТНЫХ ФРУКТОВ?

А.Ш.Шадманкулов – к.э.н., доцент университета Алфраганус;

*А.А.Шадманкулов – начальник кафедры Таможенного
регулирования и таможенных платежей Таможенного института ТК,
к.э.н., доцент, подполковник т.с.*

Аннотация: в статье анализируется положительный роль импорта бананов в процессе обеспечения продовольственной безопасности страны, и обоснована, что оно не является конкурентом по сравнению с местными фруктами, выращенными внутри страны, и является дополнением к ним. Кроме того, освещены возможности, созданные на таможне при их импорте бананов.

Ключевые слова. Банан, местные фрукты, продовольственный безопасность, импорт, конкуренция, себестоимость, таможня, импортная пошлина, упрощенный таможенный контроль, энергетическая сила.

IS BANANA A COMPETITOR FOR LOCAL FRUIT?

A.Sh.Shadmankulov – Ph.D., Associate professor at Alfraganus university; A.A. Shadmankulov – head of the department of Customs regulation and customs payments of the Customs institute of the Customs comitee, Ph.D., associate professor, lieutenant colonel c.s. Annotation: The article analyzes the positive role of banana imports in the process of ensuring the country's food security, and substantiates that it is not a competitor in comparison with local fruits grown

within the country, and is a complement to them. In addition, the opportunities created at customs during their import of bananas are highlighted.

Key words. Banana, local fruits, food security, imports, competition, cost, customs, import duty, simplified customs control, energy power.

Аҳолини озиқ-овқат ҳавсизлигини таъминлаш дунёда кечаётган глобал муаммолардан бири бўлиб, Ўзбекистонда ҳам ушбу муаммоларга дуч келишни олдини олиш борасида давлат ҳамда вазирлик ва идоралар даражасида тегишли чоралар кўрилмоқда.

Жаҳонда ҳеч бир мамлакат йўқ-ки бошқа мамлакатлар билан ташқи савдо алоқаларини қўймаган. Хар бир мамлакат ўз табиий, демографик, иқтисодий ва бошқа имкониятларидан келиб чиқиб, ўзида етиштирилган ёки ишлаб чиқарилган ва ички эҳтиёжларидан ортиган қисmini экспортини йўлга қўяди [1]. Шунингдек, ўзида етишмаган товарларни ўрнини қоплаш учун ўринбосар ёки ўхшаш товарларни хорижий мамлакатлардан импортини амалга оширади.

Мақолада келтирилган маълумотларни таҳлил қилишда статистик маълумотларни ўзаро солиштириш ва қиёслаш, сўровнома ўтказиш каби усуллардан фойдаланилган.

Ўзбекистон географик жойлашуви ва мўътадил иқлими билан ажралиб туради. Шу сабабли, мамлакатда етиштирилаётган мевали дарахтларнинг асосий қисми йилда бир марта ҳосил беришга мослашган бўлиб, уларнинг аксарият қисми ёз ва куз фаслларида пишади. Қиш ва баҳорда инсон организми учун зарур бўлган мева ўрнини хорижий товарлар билан қоплаш зарурати келиб чиқади.

Ҳозирги кунда ушбу эҳтиёжни субтропик мамлакатларда етиштирилган цитрус мевалар импорти билан қоплаш йўлга қўйилган. Ушбу товарлар орасида банан муҳим ҳиссага эга бўлиб, сўнгги йилларда унинг импорти динамикаси ортишини кўриш мумкин.

Сўнгги йиллар давомида банан импорти ҳажми барқарор ошиб келмоқда. Жумладан, 2021 йилда жами 41,3 минг тн.ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2023 йилда **2,6 баробарга** ортиб 105,3 тн.ни ташкил этган [4]. Расмда келтирилган йиллар таркибида **октябрдан апрел** ойига қадар импорт нисбатан кўп бўлиб, улар орасида энг кўп импорт декабрь ойига тўғри келмоқда. Бу эса ўз навбатида янги узилган маҳаллий меваларнинг пишиш мавсумини тўлиқ тугаши ва байрам (*Конституция, Янги йил*) тадбирларини кенг нишонланиши билан чамбарчас боғлиқ. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи аҳоли ушбу ойларда дам олиш мавсумига ўтиб, озиқ-овқат маҳсулотлари жумладан, банан истеъмоли даражасини оширади.

Озуқавий хусусиятлари. Банан цитрус мевалар таркибига кириб озуқавий хоссаларига кўра айрим маҳаллий меваларга қараганда бир қатор устунликларга эга товар ҳисобланади (1-жадвал).

1-жадвал. Ўзбекистонда кенг истеъмол қилинадиган айрим мевалар таркиби ҳақида маълумотлар.

№	Мева турлари	Калорияси (Ккал)	Қанд миқдори (%)
1	Олма	49	6-15
2	Ўрик	79	3,35 - 10,4
3	Нок	43	5,8 - 9,7
4	Шафтоли	44	4,65 - 8,60
5	Узум	65	8,7 - 17,3
6	Гилос	52	9,5 - 16,0
7	Банан	109	14

Манба: Соглом овқатланиш саломатлик меъзони. Монография. Ш.И.Каримов таҳрири остида. Тошкент тиббиёт академияси-2015 й.. 29-б.

Жумладан. Инсоннинг яшаши ва фаол ҳаракатланиши учун зарур бўлган энергия бериш қуввати банан товарида олма, ўрик, нок, шафтоли, узум, гилос каби меваларига нисбатан 1,5-2 баробар кўпроқ калория бериш имконияти мавжуд бўлиб 109 Ккални ташкил этади. Бу эса ўз навбатида маҳаллий меваларга нисбатан банан истеъмолини оширишга ҳисса қўшадиган асосий омиллардан бири ҳисобланади [2].

Хар бир инсон меваларнинг таъми ва ширинлигига кўра танлашга алоҳида эътибор беради. Жадвалда келтирилган мевалар билан солиштирилганда банан таркибида қанд (*глюкоза, фруктоза, сахароза*) миқдори **1,5-2 баробар кўп** бўлиб, инсон фикрлаши учун зарур бўлган углеволар билан таъминлашда устунликка эга ҳисобланади ва харидоргирлигини оширади. Шунингдек, инсон организмида енгил ҳазм бўлиши, парчаланиши ҳамда сўрилиши жиҳатдан ҳам авзалликларга эга.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг машҳур ва кенг тарқалган ҳўл меваларига нисбатан бананнинг озуқавий хоссалари жумладан, энергетик қуввати ҳамда углеводлар билан таъминлаш даражасининг юқорилиги, енгил ҳазм бўлиш каби хусусиятларига кўра рақобатда авзалликларга эга деб ҳисоблаш мумкин.

Устунлик жиҳатлари. Плантацияларда банан дарахтидан 5-7 йил давомида жами 15-21 марта ҳосил олиш имконияти мавжуд. Жумладан бир туп дарахт бир йилда 100-200 кг. ҳосил беради. Бу эса ушбу мевани инсонлар истеъмолига йил давомида мунтазам етказиб бериш имкониятини беради.

Шунингдек, банан товари устун жиҳатларидан бири - унинг сақлаш муддати маҳаллий меваларга нисбатан бир мунча узоқлиги ҳамда транспортাবেллигидир. Ўзбекистонга банан импорти Эквадор каби дунёнинг

субтропик мамлакатларидан амалга оширилиб, 14-15°C ҳароратда сақловчи рефрижиратор билан махсус жиҳозланган транспорт воситаларида ташилади ва ўртача 5-7 минг км. масофани босиб ўтади. Айрим ҳолларда якуний харидор истеъмолига қадар 40-45 кун давомида сақланиши ҳам мумкин.

Маълумотларга кўра, Эквадор мамлакатада EXW (*франко завод*) савдо шартида – ишлаб чиқарувчи омборидан 1 кг. бананнинг ўртача экспорт нархи 0.6-0.7 АҚШ долл. ташкил этади ва бу нарх сўнгги 3 йил давомида деярли ўзгармас тенденцияга эга. Бир туп дарахтдан ўртача 65-130 АҚШ долл.лик маҳсулот экспорт қилинади. Бу эса таннархни арзонлиги бўйича бошқа меваларга нисбатан рақобатда устунликни беради.

Ташиш, сақлаш, савдо ва бошқа харажатлари билан Ўзбекистонда бананнинг таннархи тахминан 1 кг. учун 1.5-1.6 АҚШ долл.га тенг келмоқда. Барча харажатларга фойда устамасини қўшилиши натижасида ички бозордаги чакана савдода ўртача 1.7-1.9 АҚШ долл.га истеъмолчиларга сотилмоқда.

2-жадвал. Тошкент шаҳрида 2024 йил август-октябрь ойларида кузатилган айрим меваларнинг нархлари тўғрисида маълумот.

№	Мева турлари	Ички бозор чакана нархи (минг. сўм)	
		минимал	максимал
1	Олма	7	25
2	Ўрик	8	20
3	Нок	10	25
4	Шафтоли	8	25
5	Узум	8	35
6	Гилос	12	35
7	Банан	15	25

Манба: Сўровнома ўтказиш натижасида олинган маълумотлар.

Жадвалда юртимизда етиштириладиган айрим (*узум, гилос*) меваларнинг максимал нархига қараганда хориждан импорт қилинадиган банан товарининг нархи бир мунча паст эканлигини кўриш мумкин [5]. Бу эса ўз навбатида серқуёш ўлкамизда етиштириладиган маҳаллий меваларнинг нархи бананга нисбатан юқорилигидан далолат беради. Истеъмолчилар томонидан ушбу товарлардан бирини танлаш ва харид қилиш юзасидан қарор қабул қилиш жараёнида нарх омили энг муҳими ҳисобланиб, аксарият ҳолларда бананни харид қилишга устиворлик беришига ундайди.

Бананнинг **ижтимоий жиҳатлари** ҳам мавжуд. Масалан, банан товари ташқи кўринишининг жозибадорлиги истеъмолчиларни ўзига жалб этади. Унинг ўзгача ширинлиги, таъми ва майин чайналиши аҳолининг барча ёшдаги қатламига бирдек манзур бўлмоқда. Буларнинг натижасида банан маҳсулоти маҳаллий аҳоли онгида сифати юқори ҳамда инсон организмига фойдали мева деган **ижтимоий фикр** шаклланиб улгурган.

Божхонада яратилган имкониятлар. Банан импорти жараёнида Ўзбекистон божхонасида яратилган шароитлар ҳам муҳим ўрин тутди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 31.05.2022 й. “Истеъмол бозорларида нархлар барқарорлигини таъминлашга ва монополияга қарши чораларнинг таъсирчанлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-145-сон Фармонида мувофиқ, 2025 йил 1 январга қадар банан импортини расмийлаштириш жараёнида божхона божи **ундирилмаслиги** белгиланган [3]. Бу эса ўз навбатида ички бозорда банан нархини кескин ошиб кетишини олдини олмоқда.

Шу билан бирга, ҳавф даражаси паст бўлган ҳамда доимий равишда бир хил турдаги товарлар импорти билан шуғулланувчи, жумладан, бир етказиб берувчидан доимий банан олиб келувчи импортёрлар томонидан тақдим этилган божхона юк декларацияларининг **2/3 қисми соддалаштирилган** божхона назоратидан ўтказилмоқда. Бунинг натижасида, сақлаш муддати доирасида имкон қадар тезроқ бананни истеъмолчиларга етказиш ҳамда тадбиркорларнинг божхона расмийлаштирувига сарфлайдиган вақт ва маблағини тежашга ҳисса қўшди.

Юқорида келтирилган маълумоларнинг таҳлилларларидан келиб чиқиб қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

ички бозорда маҳаллий меваларимизга нисбатан хориждан импорт қилинган бананни рақобатчи эмас, балки йилнинг етти ойи (*ноябр-май*) давомида аҳолимизнинг мевага нисбатан тўйинмаган эҳтиёжини қондиришда тўлдирувчи товар сифатида қараш мақсадга мувофиқ; озуқавий хоссалари, жумладан энергетик қуввати ва углеводлар билан таъминлаш даражасининг юқорилиги, енгил ҳазм бўлиш каби хусусиятлари маҳаллий меваларга нисбатан аҳоли саломатлигини таъминлашга банан кўпроқ ҳисса қўшмоқда; сақлаш муддатининг узоклиги, транспортабеллиги ҳамда йил давомида дарахтдан бир неча марта ҳосил бериши каби ўзига хос биологик ва физик хусусиятлари субтропик давлатлардан мамлакатимиз бозорига йилнинг барча ойларида бананни мунтазам кириб келишига имконият бермоқда;

Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ, бананга нисбатан импорт божхона божини тўлашдан вақтинча озод қилинганлиги ҳамда сўнгги йилларда божхона маъмурчилигини такомиллаштириш натижасида тадбиркорларга яратилган енгилликлар ҳамда соддалаштирилган божхона назоратини қўллаш натижасида банан товарининг ички бозорга кириб келиш таннархини пасайтиришга эришилмоқда.

Юқорида келтирилган хулосаларга асосланиб, банан товарини маҳаллий меваларга рақобатчи эмас балки меваларга нисбатан аҳолимизнинг тўйинмаган эҳтиёжини қондиришда тўлдирувчи товар сифатида қараб, мамлакатимизда озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда унинг муҳим ҳиссаси борлигини эътироф

этиш лозим. Шу билан бирга, банан импортига нисбатан келгусида тариф ва нотариф чораларни қўллашни янада қисқаритиб бориш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А.Шадманкулов. От регулирования до стимулирования экспорта:
опыт узбекской таможни и приоритетные направления. Электронный научный журнал: Экономика и юриспруденция. 2020 г. №6 (71).
2. Соғлом овқатланиш саломатлик меъзони. Монография. Ш.И.Каримов таҳрири остида. Тошкент тиббиёт академияси-2015 й..
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 31.05.2022 й. “Истеъмол бозорларида нархлар барқарорлигини таъминлашга ва монополияга қарши чораларнинг таъсирчанлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-145-сон Фармони.
4. Божхона қўмитаси маълумотлари.
5. Сўровнома натижалари.